

3. Жиноят-процессуал қонунига кўра муайян суд инстанцияси ўз қарорларини қайта кўриб чиқишига ҳақли эмас

Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг 2001 йил 21 августдаги ҳукмига кўра М. ЎзР ЖК 25, 273-моддасининг 5-қисми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Суднинг ҳукми билан, М. 8,5 грамм «героин» гиёхвандлик воситасини сотишига суиқасд қилғанликда айбдор деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2001 йил 25 сентябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раёсатининг 2002 йил 28 февралдаги қарори билан М.га оид суд қарорлари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги қонунига мувофиқлаштирилиб, суд қарорларидан М.нинг мол-мулкини мусодара қилиш ҳақидаги кўрсатма чиқарилган ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 7-моддасининг «а» банди тадбиқ этилиб тайинланган жазонинг ўтамаган қисми ярмига қисқартирилган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раёсати 2003 йил 29 апрель куни М.га оид жиноят ишини такроран кўриб, раёсатининг 2002 йил 28 февралдаги қароридан М.га нисбатан амнистия актини тадбиқ этиш қисмини бекор қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 511 ва 519 моддалари мазмунига кўра, муайян суд инстанцияси ўз қарорларини қайта кўриб чиқиши ваколатига эга эмас.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг раёсати ушбу иш бўйича қонуннинг бу талабларини бузган.

Бундан ташқари, иш бўйича чиқарилган қўшимча қарор ЎзР ЖПК 513-моддасига ҳам зид бўлиб, унга кўра, суд қарорларини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган тарзда ўзгартиришга ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб, бир йил мобайнидагина йўл қўйилиши назарда тутилган.

Шу сабабли Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2004 йил 16 мартағи ажрими билан М.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди раёсатининг 2003 йил 29 апрелдаги қўшимча қарорини бекор қилди.

03-133-04 сонли ажрим